

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2025

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари. Услубий қўлланма.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий
ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2025 й. – 48 б.

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А. Ташкулов ва
Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси
ўринбосари У. Муҳаммадиевнинг умумий таҳрири остида*

Ушбу услубий қўлланмада ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тизими, жумладан, жамоат ишлари доираси ва субъектлари, ходимлар ва иш берувчиларга қўйилган талаблар содда, равон тилда баён этилган. Қўлланма иш билан таъминланмаган аҳоли, жамоат ишлари билан шуғулланувчи иш берувчилар ҳамда соҳада фаолият юритувчи давлат органлари масъул ходимлари ва бошқа барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© «Адолат» миллий ҳуқуқий
ахборот маркази, 2025 йил

Мундарижа

Кириш.....	4
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати.....	6
Жамоат ишлари ва унинг субъектлари	8
Жамоат ишларини ташкил этиш тартиби ва мақсадлари	18
Жамоат ишларига жалб этилган шахсларга ҳақ тўлаш ва уларга берилган имтиёзлар.....	24
Иловалар	43
1-илова. Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш схемаси	43
2-илова. Жамоат ишларини ташкил қилиш ва уларни Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш схемаси	44

КИРИШ

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларидаги, хусусан, қишлоқ ва олис туманлардаги банд бўлмаган фуқароларни аҳоли пунктлари, маҳаллаларни ободонлаштириш, ариқларни, ирригация шохобчаларини тозалаш, уй-жой коммунал хўжалиги объектларини таъмирлаш, инфратузилмани яхшилаш, йўллар ва кўчаларни, уй-жой фонди ва туташ ҳудудлардаги объектларни таъмирлаш бўйича жамоат ишларига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш чоратадбирлари амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида иш жойларини ташкил этиш ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш орқали ишсизлик даражасини ва норасмий бандликни камайтириш чораларини кўриш имконини беради.

Доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш чораларини кўриш ҳоким ёрдамчисининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур қўлланмада жамоат ишларини ташкил қилиш мақсадлари, жамоат ишларининг турлари, уни ташкил қилиш тартиби ва бундай ишларга жалб қилинган шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар хусусидаги маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ-422-сон қарори билан тасдиқланган Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2024 – 2026 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларига биноан жорий йилда ишсиз аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш ҳисобига банд бўлган аҳоли сони 120 минг нафарни ташкил қилиши кутилмоқда.

Ушбу қўлланма ишсиз аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш орқали аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш ва даромад манбаига эга бўлиш имкониятини яратишда “Маҳалла еттилиги” аъзоларига мазкур йўналиш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга оширишда амалий жиҳатдан кўмак беради.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси



Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш учун молиявий ёрдамлар ажратиш тизимини такомиллаш-тиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2025 йил 14 февралдаги ПҚ-64-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5052-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ–3268-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 799-сон қарори



Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги регламент (рўйхат рақами 3472, 2023 йил 31 октябрь)

ЖАМОАТ ИШЛАРИ ВА УНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ



● Жамоат ишлари тушунчаси ва доираси

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарори билан тасдиқланган Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида низом билан тартибга солинган.

➤ Бу муҳим!

Мазкур Низомда жамоат ишлари сифатида ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли учун умумжалб этиш мумкин бўлган, алоҳида тайёргарлик ва малака талаб қилмайдиган, ҳақ тўланадиган вақтинчалик меҳнат фаолияти турлари кўрсатилган.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг доираси, яъни асосий турлари қуйидагилардан иборат:

☑ шаҳарларнинг, туманларнинг, аҳоли пунктларининг, маҳалла-ларнинг ҳудудларини ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш (масалан, кўкаламзорлаштириш, йиғиштириш, оқлаш, ариқ-ларни, қабристонларни, зиёратгоҳларни, маданий объектларни тозалаш ва бошқалар);

➤ Маълумот учун

Ҳудудларни ободонлаштириш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва методологик таъминлаш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъул орган этиб белгиланган.

Шунингдек, аҳоли пункти деганда ҳуқуқий мақом, ном ва чегара билан белгиланган Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирлиги назарда тутилиб, аҳоли пунктлари шаҳарларга, шаҳарчаларга, қишлоқлар ва овулларга бўлинади.



уй-жой-коммунал объектлар ва бошқа инфра-тузилма объектлари ҳудудларига туташ уй-жой фондининг объектларини таъмирлаш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;



Маълумот учун

Уй-жой-коммунал объектлар ва бошқа инфратузилма объектлари деганда уй-жой фонди, меҳмонхоналар, таширф буюрувчилар учун уйлар ва ётоқхоналар, ташиқи ободонлаштириш объектлари, сунъий иншоотлар, чўмилиш ҳавзалари, пляжларнинг иншоотлари ҳамда асбоб-ускуналари, аҳолини газ, иссиқлик ва электр билан таъминлаш объектлари, уй-жой-коммунал хўжалиги объектларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун мўлжалланган участкалар, цехлар, базалар, устахоналар, гаражлар, махсус машиналар ва механизмлар, омборхоналар тушунилади.



қўчаларни, йўлларни ва йўлкаларни таъмирлаш;



қишлоқ хўжалиги ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини йиғиб-териб олиш, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш;



Маълумот учун

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари олиш учун экинлар экиш ва чорва молларини

кўпайтириш билан шуғулланади, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларини хом ашё билан таъминлайди.

- ✓ ногиронлиги бўлган шахсларни, кексаларни, беморларни ва бошқа шахсларни парваришlash;

➤ Маълумот учун



Ногиронлиги бўлган шахс – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс ҳисобланади.

- ✓ саноат тармоқлари ташкилотларидаги ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ишлар;

➤ Маълумот учун



Саноат тармоқлари – иқтисодиётнинг жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган етакчи тармоқлари бўлиб, саноатнинг ўзи учун ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун меҳнат қуроллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, хом ашё, ёқилғи қазиб олиш, энергия ишлаб чиқариш, ёғоч тайёрлаш, саноатда ёки иқтисодиётда олинган маҳсулотларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш билан банд корхоналар мажмуи ҳисобланади.

- ✓ объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари.



реконструкция қилиш – бинолардан фойдаланиш шароитларини ўзгартириш, уларнинг жисмоний эскириши туфайли юзага келган йўқотишлар ўрнини тўлдириш, бинолардан фойдаланишнинг янги мақсадларига эришиш учун асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларни **(юкламаларни, хоналарнинг режалаштирилишини, бинонинг қурилиш ҳажмини ва умумий майдонини, муҳандислик жиҳатдан жиҳозланишини)** ўзгартириш билан боғлиқ қурилиш ишлари ва ташкилий-техник тадбирлар ҳамда кўп квартирали уйдаги жойни қайта режалаштириш мажмуи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига кўра, жорий таъмирлаш – асосий воситаларни ишлаш ҳолатида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлаш, бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш эса – базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, деталлар ва узелларнинг барча эскирган конструкцияларини алмаштириш ёки қайта тиклаш амалга ошириладиган таъмирлаш саналади.

Таъкидлаш лозимки, ушбу рўйхат қатъий бўлмай, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қарорлари билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши ҳамда уларни амалга оширганлик учун ҳақ тўланиши мумкин.

Жамоат ишлари алоҳида тайёргарлик ва малака талаб қилмасида, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда – АБКМ) бундай ишларга юбориладиган фуқароларга мос ишлар топиб беради. Яъни уларнинг касби, ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, жамоат ишларининг жойларини, шунингдек, жамоат ишларида иштирок этиш шартларини белгилайди.

Бу ўринда жамоат ишларининг таклиф қилинаётган турларида жамоат ишларига юборилаётган шахсларнинг касбий маҳоратини, иш тажрибасини, ёшини, жинсини ва бошқа хусусиятларини, иш вақти ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур шароитларни ҳисобга олиниши керак.



Маълумот учун

Оғир ишларда ҳамда зарарли ва хавфли меҳнат шароитларидаги ишларда **ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг**, шунингдек мазкур ишлар **соғлиғига тўғри келмайдиган шахсларнинг** меҳнатидан фойдаланиш **тақиқланади**.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланилиши тақиқланган оғир ишларнинг ҳамда зарарли ёки хавфли меҳнат шароитларидаги ишларнинг рўйхати Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ходимни **соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатмалар** мавжуд бўлган ишга қабул қилиш ва бошқа ишга ўтказиш **тақиқланади**.

Ходимни унинг **ҳаётига ва соғлиғига юқори даражадаги хавф эҳтимоли** олдидан маълум бўлган ишга қабул қилаётганда ҳамда ўтказаятганда иш берувчи уни бу ҳақда **огоҳлантириши шарт**.

Буюртмачи иш берувчи АБКМ билан биргаликда жамоат ишлари турлари ва ҳажмини белгилайди.

Суднинг қарори асосида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилиши белгиланган, шунингдек, ишсиз ва банд бўлмаган шахслар томонидан жамоат ишларида иштирок этиш ишнинг хавфлилиги, зарарлилиги ва меҳнат шароитларининг оғирлиги сабабли рад этилса, уларга жамоат ишларининг бошқа турлари таклиф қилинади.

● Жамоат ишлари субъектлари

Жамоат ишлари субъектларини қуйидагилар ташкил этади:

- жамоат ишларини бажарувчи шахс;
- буюртмачи иш берувчи;
- АБКМ (Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази).
- Жамоат ишлари жамғармаси.

Бунда жамоат ишларини бажарувчи шахс қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

-  белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган бўлиши;
-  иш изловчи шахс сифатида рўйхатга олинган бўлиши;
-  Ўзбекистон фуқароси, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланиши.

Шунингдек, суднинг қарори асосида ҳам шахслар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинади.

Жамоат ишлари жамғармаси, Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси негизида юридик шахс мақомига эга бўлган Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди.

Асос: Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 23.09.2024 йилдаги
ПҚ-330-сон қарори



Бу муҳим!



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасига асосан ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.



Юқорида кўрсатилганидек, шахс ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниши учун, аввало ишсиз деб эътироф этилган бўлиши лозим. Хўш, кимлар ишсиз ҳисобланади ва ишсизлик ҳолати қандай тартибда эътироф этилади?

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари томонидан амалга оширилиб, ишсиз деб эътироф этиш ва ишсизлик нафақасини тайинлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига ариза бериш мумкин (шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш схемаси билан 1-иловада танишишингиз мумкин).

Қонунчиликка асосан 16 ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёки касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахслар ишсизлар деб эътироф этилади.



Бу муҳим!



Таълим муассасаларида таълим олаётган шахслар ишсизлар деб эътироф этилмайди.

Агар иш қидираётган шахсга у рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки ўн кун ичида мақбул келадиган иш таклиф этилмаган бўлса ёки маҳаллий меҳнат органи мазкур шахс ишга жойлаштириш учун юборилган ташкилотдан рад жавобини олган бўлса, шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай маҳаллий меҳнат органи томонидан қабул қилинади.

Шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органининг буйруғи билан расмийлаштирилади, бу буйруқ бир

пайтнинг ўзида ишсизлик нафақаси тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ҳам ҳисобланади. Шунингдек, унда ишсизлик нафақасининг миқдори ва уни ҳисоблаш санаси кўрсатилади.

Ишсиз деб эътироф этилган шахс қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур қарор қабул қилинганидан кейин икки кунлик муддатдан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефон, электрон почта орқали хабардор қилинади.

Бунда ишсиз деб эътироф этилган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳаллий меҳнат органига ёки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш бўйича секторга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига бириктирилган ходим ҳузурига қайта рўйхатдан ўтиш учун мажбурий келиш санаси, ишсизлик нафақасини олиш шартлари ва жойи, шунингдек ишсиз шахс учун зарур бўлган бошқа ахборот хабар қилинади.

Шахсни ишсиз деб эътироф этиш чоғида меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этилмайди.

Бу муҳим!

Ишсиз шахсларга ишсизлик нафақасини тўлаш жамоат ишларида қатнашаётган даврларида тўхтатилади ва жамоат ишлари тугаган кундан бошлаб тикланади.



Ишсиз деб эътироф этилган шахслар бепул маслаҳат олиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш хизматларини олиш, шунингдек маҳаллий меҳнат органлари кўмагида ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Буюртмачи иш берувчилар ҳақида маълумот?

Қонунчиликка асосан буюртмачи иш берувчи жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича ташаббускор ҳисобланади. Бундай ташаббус-

корлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа ташкилотлар бўлиши мумкин.

Жамоат ишларининг навбатдаги субъекти – АБКМ. Таъкидлаш лозимки, ишсизларни ишга жойлаштирилишини таъминлаш, жамоат ишларида, биринчи навбатда, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, йўл ва уй-жой-коммунал инфратузилма объектларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, шаҳар ва туманларни обод қилиш доирасидаги жамоат ишларида, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларида аҳолини иштирок этишга жалб қилиш АБКМнинг асосий фаолият йўналишларидан бири саналади.

Жамоат ишларининг сўнгги субъекти, шубҳасиз, Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобланади. Чунки буюртмачи иш берувчиларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга оид харажатларнинг ўрни ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА МАҚСАДЛАРИ

● Жамоат ишларини ташкил этиш мақсадлари

Жамоат ишлари қуйидаги мақсадларда ташкил қилинади:



банд бўлмаган шахсларни вақтинчалик маош (меҳнат даромади) билан таъминлаш ва уларни иш қидириш даврида моддий қўллаб-қувватлаш;



суд қарори асосида шахсларни ҳақ тўланадиган ижтимоий фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий равишда жалб этиш;



ишсиз шахсларнинг вақтинчалик бандлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш;



касбга (мутахассисликка) эга бўлмаган илк бор иш изловчи шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш;



турли сабабларга кўра (илгари бола тарбияси, бемор ва кекса оила аъзоларини парваришлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва бошқа сабабларга кўра) узоқ танаффусдан сўнг касбий фаолият билан шуғулланмаган шахслар меҳнатини реабилитация қилиш.

Шунингдек, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш ҳам жамоат ишларини ташкил этиш мақсадларидан бири ҳисобланади.

● Жамоат ишларини ташкил этиш тартиби

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш ва буюртмачи иш берувчиларнинг харажатларини қоплаш тартибини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин (жамоат ишларини ташкил қилиш ва уларни Жамғарма ҳисобидан молиялаштириш схемаси билан 2-иловада танишишингиз мумкин):

 **Биринчи босқич.** Буюртмачи иш берувчилар ҳар ойнинг 15-санасига қадар келгуси ҳисобот оyi учун жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмалар рўйхатига киритиш учун туман (шаҳар) АБКМга жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртма беради.

 **Иккинчи босқич.** АБКМ ҳар ойнинг 20-санасига қадар буюртмачи иш берувчилардан келгуси ойда жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмаларни қабул қилади ва мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар доирасида ҳар ойнинг 25-санасига қадар йиғма буюртмани шакллантиради ва тасдиқлайди.

Бу муҳим!

АБКМ зарурат бўлганда, ишсизлик ёки ишчи кучига бўлган талаб ошган ҳудудларда фуқароларни тезкор тартибда жамоат ишларига жалб этиш бўйича қўшимча буюртмаларни шакллантириши ва тасдиқлаши мумкин.

 **Учинчи босқич.** АБКМ йиғма буюртмани тасдиқлагандан сўнг ҳисобот оyiнинг 1-санасига қадар маблағ ажратиш учун Жамғармага тақдим этади. АБКМ томонидан тасдиқланган қўшимча йиғма буюртма маблағ ажратиш учун бир иш куни давомида Жамғармага тақдим этилади.

 **Тўртинчи босқич.** Жамоат ишларини ташкил қилиш мақсадида АБКМ буюртмачи-иш берувчилар буюртмаларига мувофиқ ишчи кучига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда суднинг қарори

асосида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилиши белгиланган ҳамда ишсиз ва иш изловчи шахслар рўйхатини шакллантиради. Жамғарма томонидан ҳисобот ойининг 5-санасига қадар йиғма буюртмага мувофиқ АБКМнинг ғазначилик ҳисобрақамига маблағларнинг ўтказилишини таъминлайди.



Бешинчи босқич. Жамғарма қўшимча йиғма буюртмага асосан маблағлар ажратгандан сўнг жамоат ишларини бажаришни хоҳловчи фуқаролар рўйхатини илова қилган ҳолда, АБКМ иш берувчилар билан шартнома тузади.



Бу муҳим!

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун камида 2 ҳафталик, лекин 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда, 11 ойгача муддатга муддатли меҳнат шартномалари тузилади.



Олтинчи босқич. Шартномалар АБКМнинг жамоат ишларини ташкил қилиш учун харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги бўлинмалари томонидан рўйхатга олинади.



Бу муҳим!

Йиғма буюртмадаги жамоат ишларининг хусусияти ва амалга ошириладиган жойидан келиб чиққан ҳолда ушбу ишларга фуқаролар ўз розилиги асосида тақсимланади (суд қарорига асосан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахслардан ташқари).

Жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича кўзда тутилмаган эҳтиёж туғилганда, буюртмачи бюджет ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш органлари бўлган ҳолда, буюртмачилари туман (шаҳар) ҳокимлиги жамоат ишлари ҳажмини қайта тақсимлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.



Еттинчи босқич. АБКМ буюртмачи иш берувчи билан шартнома тузгандан сўнг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун тегишли шаклда йўлланма беради.

Буюртмачи иш берувчи ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш вақтида меҳнатни муҳофаза қилишга доир лозим даражадаги шарт-шароитларни таъминлаши шарт.



Маълумот учун



Иш берувчилар хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини таъминлаши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган қоидаларни, тартиб-таомилларни ва мезонларни белгилайди.

Ишга янги кираётган барча ходимлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ беришни амалга ошириши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга оид ўқувни ташкил этиши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқувдан ўтмаган, йўл-йўриқ олмаган ва билимлари текширувдан ўтказилмаган шахсларни иш берувчи ишдан четлаштириши шарт.

Таъкидлаш лозимки, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга иш ҳақи тўғри ҳисобланиши ва бажарилган

жамоат ишларининг ҳақиқий ҳажмлари тўғри ҳисобга олиниши, шунингдек, Жамоат ишлари жамғармасининг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлари учун йўналтирилган маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан жавобгарлик буюртмачи иш берувчининг зиммасига юкланади.

Жамоат ишларида қатнашувчи ишсиз банд бўлмаган ва суд қарорига асосан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахслар рўйхатларини шакллантиришда мазкур ҳудудда **доимий ва вақтинча яшовчи** банд бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшовчи чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек меҳнат фаолиятига жалб этиладиган чет эллик фуқаролар қамраб олиниши лозим.



Бу муҳим!



Жамоат ишларига жалб қилинадиган шахслар, юқорида кўрсатилганидек, яшаш жойи бўйича доимий ёки вақтинча рўйхатга олинган бўлиши шарт.

● **Жамоат ишлари амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш**

АБКМ ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш мониторингини бир ойда бир марта жойнинг ўзига чиқиб ўрганиш орқали ўтказди ва тегишли мониторинг далолатномасини расмийлаштиради.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўтказиш тартиби бузилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, далолатнома расмийлаштирилади.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жамоат ишлари дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўйича бош мутахассислари ҳар ойда, шу жумладан жойига борган ҳолда жамоат ишларининг ташкил қилиниши, амалга оширилиши ва ҳақ тўланишини назорат қилади.

Иш берувчи жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларни иш жойида бўлмаганлиги сабаблари тўғрисида АБКМни огоҳлантириши керак. Жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар мунтазам сабабсиз иш жойида бўлмаса, АБКМ иш жойида мунтазам йўқ бўлган ходим учун иш берувчиларга харажатларни молиялаштирмайди.

Жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахслар иш жойида мунтазам йўқ бўлган ҳолатлар юзасидан АБКМ ходимлари томонидан пробация бўлинмаларига хабарнома юборилади.

Таъкидлаш лозимки, мониторинг жараёнида шартнома шартлари бузилганлиги ҳолати аниқланганда, аниқланган қонунбузилиши ҳолати бўйича тегишли АБКМ ходими томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва чора кўриш учун АБКМга тақдим этилади.

ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ ВА УЛАРГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАР

● Жамоат ишларига жалб этилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби

Жамоат ишларига жалб этилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:



Биринчи босқич. Буюртмачи иш берувчи ҳар ойнинг 15-санасига қадар ҳисобот ойининг биринчи ярми учун АБКМга фуқароларнинг жамоат ишларида қатнашган даври бўйича ҳисобга олиш табелини тақдим этади.



Маълумот учун



Иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш учун қуйидагилар асосий ҳужжатлар ҳисобланади: ташкилотнинг ишга қабул қилганлик, бўшатганлик ва ходимларни тасдиқланган иштатлар жадвали ва иш ҳақи ставкаларига мувофиқ жойдан-жойга кўчириш ҳақидаги буйруқлари, 421-сон шаклдаги фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақини ҳисоблаш табели.



Иккинчи босқич. АБКМ буюртмачи иш берувчи томонидан ҳисобот ойининг 15-санасига қадар тақдим этилган табелга асосан Жамғарма томонидан қопланадиган тўловларнинг 50 фоиз қисмини аванс сифатида тўлайди.

Бу муҳим!

Жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахслар иш ҳақининг эллик фоизи алимент мажбуриятлари бўйича қарзни тўлашга йўналтирилади.

Жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича тўловлар АБКМ томонидан Ҳазначилик бўлинмаларига мемориал ордер ёки тўлов топшириқномаларини тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Шу билан бирга, жамоат ишларига жалб этилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлашда қуйидаги қоидалар ёдда тутилиши лозим:

 **Биринчи қоида.** Буюртмачи иш берувчи ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 1-санасига қадар АБКМга ўтган ой учун жамоат ишларида қатнашган фуқароларни амалда қатнашган кунлари бўйича тасдиқланган ҳисобга олиш табелини ва иш ҳақи ҳисобланганлиги бўйича қайдномани, жумладан, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларга тўланган ойлик иш ҳақининг Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган қисми бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

 **Иккинчи қоида.** АБКМ томонидан тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, табель, қайднома) олингандан сўнг, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар ўтган ой учун тўланган аванс суммасини чегириб ташлаган ҳолда жамоат ишларида қатнашган фуқароларнинг иш ҳақларининг қопланадиган қисмини Ҳазначилик бўлинмаларига мемориал ордер ёки тўлов топшириқномаси ва бажарилган ишлар бўйича тузилган далолатномани илова қилган ҳолда юборади.

 **Учинчи қоида.** Буюртмачи иш берувчилар жамоат ишларида қатнашувчи шахсларни жалб қилган ҳолда амалга оширилган жамоат ишлари тўғрисидаги маълумотни, шунингдек буюртмачи

иш берувчиларнинг биринчи раҳбарлари томонидан имзоланган бажарилган ишлар бўйича далолатномалар нусхасини ҳар ойда АБКМга тақдим этадилар.

 **Тўртинчи қоида.** АБКМ, ўз навбатида, жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахсларнинг ишлаган соати ҳамда бажарилган ишлари юзасидан ҳудудий пробация бўлинмаларига маълумот тақдим этади.

 **Бешинчи қоида.** Агар бажарилган ишлар далолатномаларига асосан иш берувчига қоплаб берилган тўлов ҳақиқатда бажарилган ишларнинг ҳажмидан ошса ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан жамоат ишларининг буюртмачиси тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлса, ошган миқдор тўлиқлигича АБКМнинг ҳисобрақамига қайтарилади.

 **Олтинчи қоида.** АБКМ фуқароларни жамоат ишларини бажариш учун юборган ҳолатда уларга меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш тўғрисида маълумот беради.

Жамоат ишларида қатнашадиган фуқаролар билан иш берувчи меҳнат шартномаси тузади.

Бу муҳим!

Меҳнат шартномаси ходим ва иш берувчи ўртасидаги тарафларнинг ўзаро ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишув ҳисобланади. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафларидир.

Меҳнат шартномасига киритилиши шарт бўлган шартлар қуйидагилардан иборат:

- **иш жойи** – ходим шартномада шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра меҳнат фаолиятини амалга оширадиган иш берувчи (ташкилот, унинг алоҳида бўлинмаси ёки жисмоний шахс), шунингдек ходим меҳнат қилиши керак бўлган жой;

- **меҳнат вазифаси** – муайян касб, мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш, шунингдек ходимга топшириладиган ишнинг аниқ тури;
- **ишнинг бошланиш санаси** – ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни бажаришга киришиши керак бўлган календарь сана;
- меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари (шу жумладан ходимнинг тариф ставкаси ёки маоши миқдори, қўшимча тўловлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловлар);
- ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузилган тақдирда меҳнат шартномасининг муддати, шунингдек Меҳнат кодексига ёки бошқа қонунларга мувофиқ муддатли шартномани тузиш учун асослар;
- иш вақти ва дам олиш вақти режими, агар бу ходим учун ушбу режим мазкур иш берувчида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ходимлар учун назарда тутилган иш вақтининг ва дам олиш вақтининг умумий режимидан фарқ қиладиган бўлса;
- иш жойидаги меҳнат шароитларининг хусусиятлари кўрсатилган ҳолда нормал шароитлардан фарқ қиладиган шароитлардаги иш учун кафолатлар ва компенсациялар, агар ходим мазкур ишга қабул қилинаётган бўлса;
- зарур бўлган ҳолларда ишнинг хусусиятини белгилайдиган шартлар (кўчма, сайёр, йўлдаги, ишнинг бошқа хусусияти);
- меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда бошқа шартлар.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада ёзма (қоғозда ёки электрон) шаклда тузилиб, уларнинг ҳар бири тарафлар томонидан имзоланади. Меҳнат шартномасининг ҳар бир нусхаси ходимнинг ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланади.

Иш берувчида муҳр мавжуд бўлган тақдирда мансабдор шахснинг меҳнат шартномасининг барча нусхаларидаги имзоси муҳр билан тасдиқланади.

Меҳнат шартномасининг бир нусхаси ходимга берилади, бошқаси (бошқалари) иш берувчида сақланади. Меҳнат шартномасининг нусхаси ходим томонидан олинганлиги иш берувчида сақланадиган меҳнат шартномаси нусхасидаги ходим меҳнат шартномасининг нусхасини олганлиги тўғрисидаги алоҳида имзоси билан тасдиқланади.

Меҳнат қонунчилиги бўйича ходим қуйидаги ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга:

Ходимнинг ҳуқуқлари

- Меҳнат кодексида ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ҳамда шартларда меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш;
- меҳнат шартномасида шартлашилган иш билан иш берувчи томонидан таъминланиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос келадиган иш жойига эга бўлиш;
- ўз малакасига, меҳнатнинг мураккаблигига, бажарилган ишнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда иш ҳақи олиш;
- иш вақти давомийлигининг чегарасини, айрим касблардаги ва тоифалардаги ходимлар учун қисқартирилган иш вақтини белгилаш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, ишланмайдиган байрам кунлари, шунингдек йиллик меҳнат таътиллари бериш орқали таъминладиган дам олиш;
- хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларига эга бўлиш, шунингдек иш жойидаги меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

- меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномасига мувофиқ касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- ўз меҳнат ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига ва бошқа ташкилотларга бирлашиш;
- жамоа келишувлари ва жамоа шартномаси, шунингдек улар шартларининг бажарилиши тўғрисида ахборот олиш, шу жумладан ўз вакиллари орқали олиш;
- меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ходимга меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш;
- ўз меҳнат ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қонун билан тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилиш;
- меҳнат низоларини Меҳнат кодексида, бошқа қонунларда белгиланган тартибда ҳал қилиш.

Ходимнинг мажбуриятлари

- меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя этиши;
- меҳнат шартномаси билан ўз зиммасига юклатилган меҳнат мажбуриятларини виждонан бажариши;
- ички меҳнат тартибига риоя этиши;
- меҳнат интизомига риоя этиши;
- белгиланган меҳнат нормаларини бажариши;
- меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига, технология интизомига, меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя этиши;

- иш берувчининг мол-мулкига (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида турган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши;
- иш берувчига етказилган моддий зарарнинг ўрнини Меҳнат Кодексида белгиланган тартибда ва доирада қоплаши;
- инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, иш берувчининг мол-мулки (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида бўлган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) бут сақланишига таҳдид соладиган вазият юзага келганлиги тўғрисида иш берувчига ёки бевосита раҳбарга дарҳол хабар қилиши;
- бошқа ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни содир этмаслиги шарт.

Меҳнат қонунчилиги бўйича иш берувчи қуйидаги ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга:

Иш берувчининг ҳуқуқлари

- Меҳнат кодексида, бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш;
- жамоа музокаралари ташаббуси билан чиқиш ва жамоа шартномаларини тузиш;
- ходимларни ҳалол самарали меҳнати учун рағбатлантириш;
- ходимлардан ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришини ва иш берувчининг мол-мулкига (шу жумладан учинчи шахсларнинг иш берувчида бўлган мол-мулкига, агар иш берувчи ушбу мол-мулкнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлса) эҳтиёткорона муносабатда бўлишини, ички меҳнат тартибига риоя этишини талаб қилиш;

- ходимларни Меҳнат кодексида белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш;
- ходимларни улар томонидан ҳам иш берувчига бевосита етказилган, ҳам бошқа шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш натижасида иш берувчида юзага келган тўғридан-тўғри ҳақиқий зарар учун моддий жавобгарликка тортиш;
- ички ҳужжатларни қабул қилиш (бундан якка тартибдаги тадбиркор бўлмаган, жисмоний шахс бўлган иш берувчилар мустасно);
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида иш берувчилар бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда уларга аъзо бўлиш.

Иш берувчининг мажбуриятлари

- меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя этиши;
- ходимларни меҳнат шартномасида шартлашилган иш билан таъминлаши;
- ходимларни ишга қабул қилишда, меҳнат жараёнида ва ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ушбу Кодекснинг меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш тўғрисидаги талаблари бузилишига йўл қўймаслиги;
- мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг оғир шакллари қўлланилишига йўл қўймаслиги;
- меҳнатни муҳофаза қилиш норматив талабларига мувофиқ бўлган меҳнат хавфсизлигини ва шарт-шароитларини таъминлаши;

- ходимларни ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, асбоблар, техник ҳужжатлар ва бошқа воситалар билан таъминлаши;
- ходимларга берилиши лозим бўлган иш ҳақини Меҳнат кодексига, жамоа шартномасига, ички меҳнат тартиби қоидаларига, бошқа ички ҳужжатларга, меҳнат шартномаларига мувофиқ белгиланган муддатларда тўлиқ ҳажмда тўлаши;
- Меҳнат кодексига белгиланган тартибда жамоа музокараларини олиб бориши, шунингдек жамоа шартномасини тузиши;
- ходимларнинг вакилларига жамоа келишувини ва жамоа шартномасини тузиш ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган тўлиқ ва ишончли ахборотни тақдим этиши;
- ходимларни уларнинг бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиши;
- ходимларни ўз меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган, қабул қилинаётган ички ҳужжатлар билан имзо қўйдириб таништириши;
- давлат меҳнат инспекторларининг, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан текширув ва назоратни амалга ошириш ваколатига эга бўлган бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг кўрсатмаларини ўз вақтида бажариши;
- ходимлар давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли уларнинг иш жойи сақланиб қолган ҳолларда ушбу иш берувчи илгари меҳнат шартномасини бекор қилган ходимларни ишга қабул қилиши;
- тегишли касаба уюшмаси органларининг, ходимлар томонидан сайланган бошқа вакилларнинг меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий

ҳужжатларнинг аниқланган қоидабузарликлари ҳақидаги кўрсатмалари ҳамда тақдимномаларини ўз вақтида кўриб чиқиши, аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши ва кўрилган чоралар тўғрисида мазкур органлар ҳамда вакилларга хабар қилиши;

- ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган маиший эҳтиёжлари таъминланишини амалга ошириши;
- ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртасини таъминлаши;
- ўз меҳнат мажбуриятларини бажарганлиги муносабати билан ходимларга етказилган моддий зарарнинг ўрнини меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ҳамда шартларда қоплаши;
- меҳнат шартномаларини, шунингдек уларга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида (кейинги ўринларда – “ЯММТ” ИДАК) ўз вақтида рўйхатга олиши шарт.

 **Еттинчи қоида.** Жамоат ишларини бажариш бўйича шартнома муносабатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «ЯММТ» ИДАКда рўйхатга олинган меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади.

 **Саккизинчи қоида.** Ихтиёрийлик асосида бригадаларга бирлашган фуқаролар томонидан жамоат ишларининг комплексини ёки алоҳида турларини амалга оширишда шартномада томонларнинг мажбуриятлари, ишнинг ҳажми ва бажариш муддатлари, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш шакллари назарда тутилади.



Тўққизинчи қоида. Жамоат ишларини бажараётган фуқароларга корхоналарда амалга бўлган ставкалар ва лавозим маошлари (ишбай нархлар)дан келиб чиққан ҳолда, аммо иш ҳақи тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасининг биринчи разрядидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.



Маълумот учун

Иш ҳақи деганда иш берувчи томонидан ходимнинг малака-сига, бажарадиган ишининг мураккаблигига, миқдорига, сифати ва шароитларига қараб тўланадиган меҳнат учун мукофот суммаси, шунингдек компенсация хусусиятига эга тўловлар (компенсация хусусиятига эга қўшимча тўловлар ва устамалар, шу жумладан нормал иш шароитларидан четга чиқадиган шароитларда ишлаганлик, ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун шундай қўшимча тўловлар ва устамалар ҳамда компенсация хусусиятига эга бошқа тўловлар) ва рағбатлантирувчи тўловлар (рағбатлантирувчи хусусиятга эга қўшимча тўловлар ҳамда устамалар, мукофотлар ва тақдирловчи тўловлар) тушунилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори деганда нормал иш шароитларида оддий ишларни бажариш чоғида иш вақтининг нормасини тўлиқ ишлаб берган ходимнинг малака талаб этмайдиган меҳнати учун қонунчиликда кафолатланган, Ягона тариф сеткасининг биринчи разрядига мувофиқ бўлган ойлик иш ҳақи миқдори тушунилади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳамда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан ишлаб чиқилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидабирвақтнингўзида белгиланади ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклларида, мулкчилик шаклларида ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча иш берувчилар учун мажбурийдир.

Иш вақтининг ойлик нормасини ишлаб берган ва меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат вазифасини бажарган

ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ойлик миқдори қонунчиликда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотлар, иш ҳақиға устамалар, бошқа рағбатлантирувчи тўловлар, шунингдек иш вақтидан ташқари иш, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги иш, тунги вақтдаги иш учун тўловлар, туман коэффициентларига доир тўловлар ҳамда бошқа компенсацияга оид ва ижтимоий тўловлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдориға киритилмайди.



Жамоат ишларида иш ҳақидан ташқари меҳнат учун қўшимча мукофотлар миқдори иш берувчилар маблағлари ҳисобидан белгиланиши мумкин.

Агар ишсизни ёки банд бўлмаган шахсни, шунингдек, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахсни жамоат иши қаноатлантирса, унда у буюртмачи-иш берувчи билан келишган ҳолда бундай ишни доимий асосда бажаришга розилик бериши мумкин, АБКМ эса унга бу доимий мос келадиган иш деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолларда ушбу шахс билан илгари тузилган меҳнат шартномаси янги меҳнат шароитлари кўрсатилган ҳолда қайта тузилиши керак.



Ўнинчи қоида. Жамоат ишларини ташкил қилишда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш, бажарилган ишлар бўйича далолатномани тўғри расмийлаштириш, фуқароларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш бундай ишларни бажариш учун меҳнат шартномасини тузган буюртмачи-иш берувчи зиммасига юкланади.

Эслатма

Хавфли, зарарли ва оғир меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган жамоат ишига юборилган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтишлари керак.

Буюртмачи иш берувчилар томонидан меҳнат шартномаси «ЯММТ» ИДАКда рўйхатдан ўтказилади ҳамда фуқароларнинг жамоат ишларида қатнашган даври тўғрисидаги маълумотлар электрон меҳнат дафтарчаларида акс эттирилади.

Бу муҳим!

Жамоат ишларида қатнашган давр меҳнат стажига қўшилади. Жамоат ишларида қатнашган фуқароларда пенсия таъминоти ва вақтинча ишга яроқсизлиги бўйича нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.



Жамоат ишларини бажараётган фуқаролар иш вақтининг давомийлиги меҳнат қонунчилигига мувофиқ белгиланади. Буюртмачи-иш берувчилар иш куни ва иш вақтининг ўзгарувчан шаклларида фойдаланиш, шунингдек меҳнат унумдорлигига кўра ёки ишлаган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда жамоат ишларининг қисқартирилган иш вақтини киритишга ҳақлидир.

Маълумот учун

*Лозим даражада тасдиқланган қоғоз ёки электрон шаклдаги **меҳнат дафтарчаси** ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи ва жисмоний шахснинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги верификация қилинган маълумотларни ўз ичига олган асосий ҳужжатдир.*

***Электрон шаклдаги меҳнат дафтарчаси** меҳнат шартномасини рўйхатга олиш, тузиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уни бекор қилиш чоғида автоматик режимда*

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида шакллантирилади.

Ишга қабул қилиш, бажариладиган иш, бошқа ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган, ходимнинг меҳнат фаолияти ва меҳнат стажи ҳақидаги ахборот меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлардир.

Иш берувчи ташкилотда беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимлар учун меҳнат дафтарчаларини юритиши шарт.

Иш берувчи ишга қабул қилиш, бошқа ишга доимий ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни меҳнат дафтарчасига ҳамда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритиши шарт.

Ходимнинг ёзма аризасига кўра асосий иш жойидаги иш берувчи меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа иш берувчига хизмат сафарига юборилган даврлар ҳақидаги ёзувларни киритади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Меҳнат қонунчилигига кўра, ходим учун иш вақтининг нормал давомийлиги беш кунлик ёки олти кунлик иш ҳафтасида ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда қонунчиликка ҳамда меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги қуйидагиларга мажбурий тартибда белгиланади:

 ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга;

-  I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга;
-  ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга;
-  иши юқори даражадаги руҳий, ақлий, асабий зўриқиш билан боғлиқ бўлган тиббиёт ходимларига, педагогларга ва бошқа тоифадаги ходимларга;
-  уч ёшгача бўлган боланинг бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ишлайдиган ота-онасидан бирига (васийсига).

Иши юқори даражадаги руҳий, ақлий ва асабий зўриқиш билан боғлиқ бўлган, яъни алоҳида хусусиятга эга бўлган тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқа тоифадаги ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига кўпи билан ўттиз олти соат қилиб белгиланади.

АБКМ томонидан жамоат ишларига юборилган ва уларда банд бўлган фуқароларнинг ҳисоби амалга оширилади.

Бу муҳим!

Ишсиз шахсларга ишсизлик нафақасини тўлаш жамоат ишларида қатнашаётган даврларида тўхтатилади ва жамоат ишлари тугаган кундан бошлаб тикланади.

Бюджет ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, кўп квартирали уйлардаги уй-жой мулкдорларининг ширкатлари томонидан (туташ ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва сақлаш бўйича) ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида АБКМнинг йўлланмаларига кўра ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга оид харажатларнинг ўрни Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига асосан давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот **бюджет ташкилоти** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунига асосан Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир**.

Ўзбекистон Республикасининг “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонунига кўра **ширкат** жойлар мулкдорларининг ташаббусига кўра ташкил этилади ва ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши ва меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кўп бўлиши мумкин эмас.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан юборилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг ўрни кейинчалик юз фоиз қопланади.

Тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уйлардаги уй-жой мулкдорларининг ширкатлари бундан мустасно) ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг эллик фоизигача бўлган қисмини иш берувчи бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига асосан **тадбиркорлик фаолияти субъектлари** (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир. Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонунчиликда ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунига кўра, нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган бир шахс меҳнатига тўланган ҳақнинг ўрнини Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан қоплашнинг ҳар ойлик миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдоридан ошмаслиги керак.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳар ойда ҳақ тўлаш меҳнат шартномаси асосида белгиланади.

Зарур бўлган тақдирда, Жамоат ишлари жамғармаси томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўрнини қоплашнинг ҳар ойлик миқдорини меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг тўрт барабаригача миқдорда белгиланиши мумкин.

● **Жамоат ишларига жалб этилган шахсларга ва буюртмачи иш берувчиларга берилган имтиёзлар**

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилаётган жисмоний шахсларга бир қатор имтиёз ва енгилликлар берилади.

Хусусан, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш вақти меҳнат стажига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги ПҚ-64-сон қарори билан жамоат ишларига жалб этилаётган жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилиниши ҳамда буюртмачи-иш берувчилар жамоат ишларига жалб этиладиган, жисмоний шахслар меҳнатига тўланган ҳақ сифатида олинган даромадлар ягона ижтимоий тўловга тортилмаслигига доир имтиёзлар бекор қилинган.

Бу муҳим!

Иш стажу – меҳнат дафтарчаси (электрон меҳнат дафтарчаси) ва иш жойидан, хизматдан, ўқишдан ёки архивдан берилган бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланган, ишдаги танаффуслардан қатъи назар, қонунчиликка мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолияти ва бошқа фаолиятнинг умумий давомийлиги ҳисобланади.

Тўртинчидан, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг пенсия таъминоти олиш ва уларга вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа тўлаш ҳуқуқи сақланиб қолади.



Шунингдек, таъкидлаш лозимки, солиқ қонунчилигига асосан вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса, даромад солиғи солинмайди.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш ва уларга ишсизлик нафақасини тайинлаш бўйича электрон давлат хизматини кўрсатиш схемаси

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали рўйхатдан ўтади	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Маҳаллий меҳнат органи	Ариза берувчини иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олади. Ишсиз деб эътироф этишни рад қилиш учун асослар мавжудлигини текширади. Ариза берувчини ишсиз деб эътироф этишни рад қилиш учун асослар мавжуд бўлмаса, ариза берувчи маҳаллий меҳнат органига мақбул келадиган иш юзасидан таклиф олиш учун иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичида қилиши лозимлиги тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда ариза берувчини хабардор қилади.	Мурожаат келиб тушгандан сўнг бир иш кун ичида Ариза берувчи иш қидираётган шахс рўйхатга олинган кундан бошлаб бир иш кун ичида
3-босқич	Ариза берувчи	Маҳаллий меҳнат органига мақбул келадиган иш юзасидан таклиф олиш учун боради.	Ариза берувчи иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида
4-босқич	Маҳаллий меҳнат органи	Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш ва унга ишсизлик нафақасини тайинлаш ёки рад этиш (агар асослар мавжуд бўлганда) бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.	Ариза берувчи иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн бир кун ичида
5-босқич	Маҳаллий меҳнат органи	Ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш ва унга ишсизлик нафақасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ёки уни ишсиз деб эътироф этиш рад этилганлиги (агар асослар мавжуд бўлганда) тўғрисида QR-код қўйилган хабарномани ариза берувчига электрон тарзда ЯИДХП орқали юборади.	Ариза берувчини ишсиз деб эътироф этиш ва унга ишсизлик нафақасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг икки кун ичида

**Жамоат ишларини ташкил қилиш
ва уларни Жамоат ишлари жамғармаси
ҳисобидан молиялаштириш схемаси**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Буюртмачи-иш берувчи	жамоат ишлари рўйхатини шакллантиради ва уни туман (шаҳар) АБКМга тақдим этади	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар
2-босқич	АБКМ	буюртмачи-иш берувчилардан жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмани қабул қилади	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар
3-босқич	АБКМ	мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар доирасида йиғма буюртмани шакллантиради ва тасдиқлайди	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар
4-босқич	АБКМ	АБКМ томонидан йиғма буюртма тасдиқлангандан сўнг маблағ ажратиш учун жамғармага тақдим этилади	Ҳисобот ойининг 1-санасига қадар
5-босқич	АБКМ	ишчи кучига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда ишсиз ва иш изловчи шахслар рўйхатини шакллантиради	Ҳисобот ойининг 1-санасига қадар
6-босқич	Жамоат ишлари жамғармаси	йиғма буюртмага асосан АБКМнинг ғазначилик ҳисобрақамига маблағларни ўткази	Ҳисобот ойининг 5-санасига қадар
7-босқич	АБКМ	АБКМ ва буюртмачи-иш берувчи ўртасида жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича шартномалар тузади	Ҳисобот ойининг 1-санасига қадар
8-босқич	АБКМ	банд бўлмаган шахсларга жамоат ишларига йўланма беради	Жамоат ишлари бошланишидан 5 кун олдин
9-босқич	АБКМ	жамоат ишлари ташкил қилиниши ҳолатини мониторинг қилади	Ҳар ҳафтада камида бир марта
10-босқич	Буюртмачи-иш берувчи	АБКМга ўтган ой учун жамоат ишларида қатнашган фуқароларни амалда қатнашган кунлари бўйича тасдиқланган табеъ ва иш ҳақи ҳисобланганлиги бўйича қайдномани тақдим этади	Ҳар ойнинг 15 ва 30-санасига қадар
11-босқич	АБКМ	буюртмачи-иш берувчига жамоат ишларида қатнашган фуқароларнинг иш ҳақи бўйича туловларни қоплайди	Ҳар ойнинг 15 ва 30-санасига қадар

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Нашр учун масъуллар: *А. Мусаев*
Ш. Абдуллаев
М. Ахмедов

Тузувчилар: *Ш. Рабиев*
Т. Азимов
М. Нажмиддинов
Б. Кадиров

Муҳаррир: *Д. Маткаримова*

Компьютерда саҳифаловчи: *Х. Холиёров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лис. АИ № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.

Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz

e-маил: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 04.03.2025 й.

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆. «Segoe UI» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 3.

Нашриёт ҳисоб табағи 2. Адади *** нусха.

-буюртма.